

وَرَوَى الْقُرْآنَ تَلَوَاتٍ



# ТАЖВИД АСОСЛАРИ





**Убай ибн Каъб розияллоху анху  
номидаги мадраса**



# **ТАЖВИД АСОСЛАРИ**

**ИККИНЧИ НАШР**

**Ботиржон Ёдгорбек ўғли**

**Ўш - 2021**

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

﴿ وَرَتِّلِ الْقُرْآنَ تَرْتِيلًا ﴾

**“Қуръонни тартил билан тиловат қилинг”.** (Муззаммил, 4-оят)

عَنْ عُمَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ:

"خَيْرُكُمْ مَنْ تَعَلَّمَ الْقُرْآنَ وَعَلَّمَهُ".

رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Усмон розияллоху анхудан ривоят қилинади: Набий соллаллоху алайҳи васаллам : **“Сизларнинг энг яхшиларингиз – Қуръонни ўрганган ва уни ўргатганларингиздир”**, дедилар. (Бухорий, Абу Довуд ва Термизий ривояти)



## МУҚАДДИМА

Қуръони Каримни ёдлаш, уни ўрганиб, ўргатишни бизларга неъмат қилиб берган Аллоҳ таолога беадад ҳамду санолар бўлсин!

“Сизларнинг энг яхшиларингиз — Қуръонни ўрганган ва уни ўргатганларингиздир”, деб айтган Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга саловат ва саломлар бўлсин!

Қуръон — Жаброил алайҳиссалом Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга олиб тушган Аллоҳ таолонинг Каломидир. Аллоҳ таоло Ислום умматини икки дунё саодатига эриштирувчи барча нарсани Қуръонда баён қилди.

Қуръон ўқиш энг буюк ибодатлардан саналиб, Аллоҳ таоло бизни уни ўқишга буюрди:

﴿ فَأَقْرَأُوا مَا تَيَسَّرَ مِنَ الْقُرْآنِ ﴾

**“Бас (энди), Қуръондан муяссар бўлганича ўқинглар”.** (Муззаммил, 20)

Қуръонни ўқишни буюрган Зот, уни тажвид билан ўқишга ҳам буюргандир:

﴿ وَرَتِّلِ الْقُرْآنَ تَرْتِيلًا ﴾

**“Қуръонни тартил билан тиловат қилинг”.** (Муззаммил, 4-оят)

Тартил – ҳар бир ҳарфни ўз махражидан дона-дона қилиб чиқариб, тажвид қоидалари асосида ўқишдир.

Барча уламолар Қуръонни тажвид қоидаларига кўра тиловат қилиш вожиблигига иттифоқ қилганлар.

Аллоҳ таоло барчаларимизни Ўзининг Каломини тўғри ва хатосиз ўқишга мушарраф айлашини сўраб қоламиз.

# بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

## 1-ДАРС ТАЖВИД ИЛМИ

**Савол:** Тажвид нима?

**Жавоб:** Луғатда: Чиройли қилиш, зийнатлаш.

Истилоҳда: Ҳар бир ҳарфнинг махраж ва сифатига эътибор бериб, маълум қоидалар асосида тиловат қилиш.

**С:** Тажвиднинг ҳукми нима?

**Ж:** Тажвид илмини мукаммал ўрганиш фарзи кифоя, тиловат қилганда эса унга амал қилиш фарзи айнди.

## 2-ДАРС ЛАҲН

**С:** Лаҳн нима?

**Ж:** Қуръони Каримни хато тиловат қилиш.

**С:** Лаҳн неча хил бўлади?

**Ж:** 2 хил: Жалий ва хафий лаҳн.

**С:** Жалий лаҳн (очиқ хато) нима?

**Ж:** Бир ҳарфни ёки ҳаракатни бошқасига алмаштириб ўқиш.

**М:** ﴿ عَسَى ﴾ (эхтимол) ни ﴿ عَصَى ﴾

(исён кўтармоқ) деб, ﴿ أَنْعَمْتُ ﴾ (сен

инъом қилдинг) ни ﴿ أَنْعَمْتُ ﴾ (мен

инъом қилдим) деб, ўқиш каби.

**С:** Ҳукми нима?

**Ж:** Ҳаром, қасдан қилган киши гуноҳкор бўлади.

**С:** Хафий лаҳн (яширин хато) нима?

**Ж:** Маъно бузилмасада, қироат урфини бузадиган хато.

Мисол: Ғуннани тарк қилиш, мадларни кам ёки кўп чўзиш каби.

**С:** Ҳукми нима?

**Ж:** Уламолар макруҳ деганлар. Лекин ҳаром деганлар ҳам бор.

**С:** Тартил нима?

**Ж:** Али розияллоҳу анҳудан

﴿وَرَتَّلِ الْقُرْآنَ تَرْتِيلاً﴾

**“Қуръонни тартил билан тиловат қилинг”** оятидаги *тартилнинг* маъноси ҳақида сўралганида: “Тартил — ҳарф талаффузларини комил адо этиш ва вақф (тўхташ) ўринларини билиш”, деб жавоб қилган.

### 3-ДАРС

## ҚИРОАТДАГИ ТЕЗЛИК ДАРАЖАЛАРИ

**С:** Қироатнинг нечта тезлик даражаси бор?

**Ж:** 3 та:

1. Таҳқиқ – ҳаракатларни чўзмасдан (мисол: **عَلَيْهِمْ** ни **عَلَيْهِمْ** демасдан) секин ўқиш. Таълим беришда шу тезликдан фойдаланиш яхши саналади.

2. Ҳадр – ҳарфларни аралаштирмасдан, тажвид қоидаларига амал қилган ҳолда, тез ўқиш.

3. Тадвир – таҳқиқ ва ҳадр орасида бўлиб, ўрта тезликда ўқиш.

**Эслатма:** Қуръонни юқоридаги тезликнинг қайси бирида тиловат қилинса ҳам тартил билан ўқилган ҳисобланади.

## 4-ДАРС

### ҲАРФЛАРНИНГ МАХРАЖЛАРИ

**С:** Араб тилида нечта ҳарф бор?

**Ж:** 29 та:

أ ب ت ث ج ح خ د ذ ر  
ز س ش ص ض ط ظ ع غ  
ف ق ك ل م ن ه و لا ی

**Эслатма:** « ا » – алиф деб аталса-да, аслида ҳамзадир.

« لا » – аслида алифдир, чунки алиф ўзи ёлғиз келмайди.

**С:** Махраж нима?


**Ж:** Ҳарфларнинг чиқадиган ўрни.

**С:** Ҳарфларнинг махражлари нечта?

**Ж:** 17 та


**С:** Махражлар нечта аъзода жойлашган?

**Ж:** 5 та: Жавф (ҳалқум ва оғиз бўшлиғи), ҳалқум, тил, лаб, димоғ.



**С:** Тил нечта қисмга бўлинади?


**Ж:** 3 та: Олди, ўртаси, охири.







С: 1-махраж қайси ва ундан қайси ҳарфлар чиқади?

Ж: Жавф, ундан 3 та мад ҳарфлари  
اَ - اِ - اُ чиқади.



С: 2-махраж қайси?



Ж: Ҳалқумнинг пастки қисми, ундан  
اَ ва اِ чиқади.



С: 3-махраж қайси?



Ж: Ҳалқумнинг ўртаси, ундан

ع ва ح чиқади.




С: 4-махраж қайси?

Ж: Ҳалқумнинг юқори қисми, ундан  
ع ва خ чиқади.




**С:** 5-махраж қайси?

**Ж:** Тилнинг охирги қисми билан унинг юқорисидаги юмшоқ танглай, ундан **ق** чиқади.



**С:** 6-махраж қайси.


**Ж:** Тилнинг охирги қисми билан унинг юқорисидаги қаттиқ ва юмшоқ танглайнинг туташган жойи, ундан **ك** чиқади.



С: 7-махраж қайси.


Ж: Тилнинг ўртаси билан унинг юқорисидаги танглай, ундан

ح ش ي чиқади.





С: 8-махраж қайси?

Ж: Тилнинг ўнг ёки чап ёнлари ёки ҳар икки ёнлари билан юқори озиқ тишларнинг ички томони, ундан ض чиқади.




**С:** 9-махраж қайси?

**Ж:** Тилнинг олд ёнлари (8 та тиш кенглигида) билан унинг тўғрисидаги танглай, ундан **ل** чиқади.




**С:** 10-махраж қайси?

**Ж:** Тилнинг олд қисми билан унинг тўғрисидаги милк, ундан **ن** чиқади ва ғунна унга ҳамроҳ бўлади.




С: 11-махраж қайси?

Ж: Тилнинг олд қисми билан унинг тўғрисидаги милкнинг озгина юқориси, ундан ر чиқади.




С: 12-махраж қайси?

Ж: Тилнинг олд қисми билан юқори курак тишларнинг милкка ту- ташган жойи, ундан ط د ت чиқади.




С: 13-махраж қайси?

Ж: Тилнинг олд қисми (учи) билан пастки курак тишларнинг паст қисми, ундан **ص س ز** чиқади.




С: 14-махраж қайси?

Ж: Тилнинг олд қисми (учи) билан юқори курак тишларнинг учи, ундан **ظ ذ ث** чиқади.




**С:** 15-махраж қайси?

**Ж:** Пастки лабнинг ички қисми билан юқори курак тишларнинг учи, ундан **ف** чиқади.



**С:** 16-махраж қайси?

**Ж:** Икки лабнинг ораси, ундан **б** **м** **в** чиқади.







**Эслатма:** Лаблар «<sup>ء</sup>أ» ҳаракатини ва «<sup>و</sup>و» ҳарфини талаффузида бир оз чўччаяди, бошқа ҳарфлар талаффузида чўччаймайди.

Мисол: <sup>ء</sup>أض - <sup>ء</sup>أظ - <sup>ء</sup>أش - <sup>ء</sup>أق деганда лаблар чўччаймайди.

**С:** 17-махраж қайси?

**Ж:** Димоғ, яъни, бурун бўшлиғи, ундан ғунна товуши чиқади.



## 5-ДАРС

### ҲАРФЛАРНИНГ СИФАТЛАРИ

**С:** Ҳарфларнинг сифатлари нима?

**Ж:** Ҳарфнинг ўз махражидан чиқаётгандаги ҳолати.

**С:** Сифатлар неча қисмга бўлинади?

**Ж:** 2 қисмга:

1. Зидди бор сифатлар.

2: Зидди йўқ сифатлар.

**С:** Зидди бор сифатлар нечта?

**Ж:** Улар 10 та:

1. Ҳамс, зидди жаҳр.

2. Шидда, зидди рахова. (Буларнинг орасида *байнийя* сифати ҳам бор).

3. Истеъло, зидди истефола.

4. Итбоқ, зидди инфитоҳ.

5. Излоқ, зидди исмот. (Бу сифатлар сарф илмига таалуклидир).

**С:** Зидди йўқ сифатлар нечта?

**Ж:** Улар 7 та:

1. Сафир, ҳарфлари ص س ز

2. Қалқала, ҳарфлари قُطْبُجَدُ

3. Лин, ҳарфлари ل ي و

4. Инхироф, ҳарфлари ر ل

5. Такрир, ҳарфи ر

6. Тафашший, ҳарфи ش

7. Иститола, ҳарфи ض


## Ҳамс ва жаҳр

**С:** Ҳамс (жарангсиз) нима?

**Ж:** Ҳарф талаффузида махраждаги босим кучсиз бўлгани учун ҳавонинг бемалол чиқиши.

**С:** Ҳамс ҳарфлари нечта?

**Ж:** 10 та: فَحَثَّهُ شَخْصٌ سَكَّتْ




**С:** Жаҳр (жарангли) нима?

**Ж:** Ҳарф талаффузида махраждаги босим кучли бўлгани учун ҳавонинг тўсилиши, яъни махраждан қўшимча ҳаво чиқмаслигидир.

С: Жаҳр ҳарфлари нечта?

Ж: 19 та:    ء ا ب ج د ذ  
ر ز ض ط ظ ع غ ق ل  
م ن و ی




## Шидда, рахова ва байнийя

С: Шидда (қаттиқ) нима?

Ж: Махражга урилиш қаттиқ бўлгани учун махраж ёпилиб, товушнинг тўхтаб қолиши.

С: Шидда ҳарфлари нечта?

Ж: 8 та:    أَجْدُ قَطٍ بَكَّتْ




**С:** Рахова (юмшоқ) нима?

**Ж:** Махражга урилиш заиф бўлгани учун махраж очик бўлиб, товуш - нинг чиқиб туриши.

**С:** Рахова ҳарфлари нечта?

**Ж:** 16 та: ا ث ح خ ذ ز س  
ش ص ض ظ غ ف و ه ی



**С:** Байнийя (ўрта) нима?

**Ж:** Товушнинг шидда ва рахова орасидаги ўртача ҳолати, яъни, махраж тўлиқ ёпилмагани сабабли товушнинг қисман чиқиши.

**С:** Байнийя ҳарфлари нечта?

**Ж:** 5 та: لَينَ عُمَرُ



**С:** Сукунли ҳарфни махражда туриш муддати қанча?

**Ж:** 1. Рахова ҳарфларининг муддати байнийя ҳарфларига нисбатан узоқроқ.

2. Байниё ҳарфларининг муддати шидда ҳарфларига нисбатан узоқроқдир.

М: **أَسْ - أُنْ - أَبْ**

﴿ **يَسْتَبْشِرُونَ** ﴾


### Истеъло ва истефола

**С:** Истеъло (йўғон) нима?

**Ж:** Тилнинг орқа қисми юмшоқ танглайга кўтарилиб, товушнинг йўғон (тафхим) чиқиши.

**С:** Истеъло ҳарфлари нечта?

**Ж:** 7 та: **حُصَّ ضَغُطٍ قِطْ**





**С:** Истефола (ингичка) нима?


**Ж:** Тилнинг орқа қисми юмшоқ танглайга кўтарилмай, товушнинг ингичка (тарқиқ) чиқиши.

**С:** Истефола ҳарфлари нечта?

**Ж:** 22 та:    ء   ا   ب   ت   ث   ج

ح   د   ذ   ر   ز   س   ش   ع   ف

ك   ل   م   ن   و   ه   ی



**Эслатма:** «ا» «ل» «ر» ҳарфлари баъзан тафхим, баъзан тарқиқ бўлади.


## Итбоқ ва инфитоҳ

**С:** Итбоқ (ёпик) нима?

**Ж:** Тилнинг кўп қисми юқори танглайга кўтарилиб, товушнинг тил ва танглай орасида қамалиши.

**С:** Итбоқ ҳарфлари нечта?

**Ж:** 4 та:      ظ   ط   ض   ص




**С:** Инфитоҳ (очик) нима?

**Ж:** Тилнинг кўп қисми юқори танглайга кўтарилмай товушнинг тил ва танглай орасида қамалмай чиқиб кетиши.

**С:** Инфитоҳ ҳарфлари нечта?

**Ж:** 25 та: Итбоқ ҳарфларидан бошқа ҳамма ҳарфлар.



### Қалқала

**С:** Қалқала (тебранувчи) нима?

**Ж:** قُطْبُ جَدُّ ҳарфларидан бири сукунли бўлган пайтда, уч ҳаракатдан (фатҳа, касра, заммадан) бирортасига мойил қилмай, тебратиб ўқиш.

**М:** ﴿مُحِيطٌ﴾ ﴿خَلَقَ﴾ ﴿أَحَدٌ﴾

## 6-ДАРС

### « ر » ҲАРФИНИНГ ҚОИДАЛАРИ

**С:** « ر » ҳарфида нечта ҳолат бор?

**Ж:** 3 та:

1. Тафхим (йўғон ўқиш).
2. Тарқиқ (ингичка ўқиш).
3. Икки ҳолат ҳам жоиз.

### Тафхимли « ر » ҳарфи

**С:** « ر » қачон тафхим бўлади?

**Ж:** « ر » 5 ҳолатда тафхим бўлади:

1. « ر » фатҳали ёки заммали бўлса:

﴿ رُزِقُوا ﴾    ﴿ رَبَّنَا ﴾

2. « ر » сукунли бўлиб, ўзидан аввалги ҳарф фатҳали ёки заммали бўлса:

﴿ مَرِيَمَ ﴾ ﴿ قُرْآنَ ﴾

3. « ر » вақф сабабидан сукунли бўлиб, ўзидан аввалги ҳарф ҳам сукунли бўлиб, ундан аввалги ҳарф эса фатҳали ёки заммали бўлса:

﴿ وَالْعَصْرِ - وَالْعَصْرُ ﴾ ﴿ خُسْرٍ - خُسْرٌ ﴾

4. « ر » сукунли бўлиб, ўзидан аввалги ҳарф касрали бўлса, лекин « ر » дан кейин фатҳали истеъло ҳарфи келса. Бундай калималар Қуръонда 5 та:

﴿ قِرْطَاسٍ ﴾ ﴿ فِرْقَةٍ ﴾ ﴿ مِرْصَادًا ﴾

﴿ وَارْصَادًا ﴾ ﴿ لِبِالْمِرْصَادِ ﴾

5. « ر » сукунли бўлиб, ўзидан аввалги ҳарф касрали бўлса, лекин касраси оризий ёки бошқа калимада келса:

﴿ اَرْجِعِي ﴾ ﴿ اِنْ اَرْتَبْتُمْ ﴾

### Тарқиқли « ر » ҳарфи

**С:** « ر » қачон тарқиқ бўлади?

**Ж:** « ر » 4 ҳолатда тарқиқ бўлади:

1. « ر » касрали бўлса:

﴿ رِزْقًا ﴾ ﴿ كَرِيمٌ ﴾

2. « ر » сукунли бўлиб, ўзидан аввалги ҳарф касрали бўлса:

﴿ فِرْعَوْنَ - لِيُنذِرَ ﴾

3. « ر » вақф сабабидан сукунли бўлиб, ўзидан аввалги ҳарф ҳам сукунли бўлиб, ундан аввалги ҳарф эса касрали бўлса:

﴿ حِجْرٍ - حِجْرٍ ﴾

4: « ر » вақф сабабидан сукунли бўлиб, ўзидан аввалги ҳарф сукунли « ي » бўлса:

﴿ قَدِيرٌ - قَدِيرٌ ﴾

## Икки ҳолат ҳам жоиз

**С:** « ر » да қачон икки ҳолат ҳам жоиз бўлади?

**Ж:** 3 ҳолатда жоиз бўлади.

1. ﴿ فِرْقٍ ﴾ калимасида. (Вақф қилинса тафҳим бўлади ﴿ فِرْقٍ ﴾).

2. ﴿ مِصْرَ ﴾ ва ﴿ الْقِطْرِ ﴾ калималарида вақф қилинса:

﴿ مِصْرَ ﴾      ﴿ الْقِطْرِ ﴾

3. ﴿ أَسْرٍ ﴾ ва ﴿ يَسْرٍ ﴾ калималарида, ҳамда қамар сурасида 6 ўринда келган ﴿ وَنُذْرٍ ﴾ калимасида вақф қилинса (тарқиқ афзал):

﴿ أَسْرٍ ﴾      ﴿ يَسْرٍ ﴾      ﴿ وَنُذْرٍ ﴾



## 7-ДАРС

### ﴿ ﷲ ﴾ ЛАФЗИ ЖАЛОЛА

С: ﴿ ﷲ ﴾ лафзидаги « ل » да нечта қоида бор?


Ж: 2 та:

1. Тафхим (йўғон ўқиш).
2. Тарқиқ (ингичка ўқиш).

С: Қачон тафхим бўлади?

Ж: « ل » дан аввалги ҳарф фатҳали ёки заммали бўлса:

М: ﴿ ﷲ ﴾ ﴿ ﷲ ﴾




Тафхим

**С:** Қачон тарқиқ бўлади?

**Ж:** « ل » дан аввалги ҳарф касрали бўлса:

М: ﴿ بِإِذْنِ اللَّهِ ﴾ ﴿ بِسْمِ اللَّهِ ﴾




## 8-ДАРС СУКУНЛИ НУН ВА ТАНВИН ҚОИДАЛАРИ

**С:** Ҳаракат нима?


**Ж:** Фатҳа  $\bar{ا}$ , касра  $اِ$ , замма  $اُ$ .

**С:** Ҳаракатларни қандай талаффуз қилинади?


**Ж:** 1. Фатҳа – оғизни ўртача очиб, тилни ўз ҳолига қўйиб талаффуз қилинади.



2. Касра – жағни бир оз пасайтириб, тил ўртасини кўтариб талаффуз қилинади.



З. Замма – лабларни бир оз чўччай-тириб, тилнинг орқа қисмини кўтариб талаффуз қилинади.



С: Тамтит нима?

Ж: Ҳаракатни чўзиб юбориш.

﴿ فَمَنْ يَعْمَلْ ﴾ ни ﴿ فَمَنْ يَعْمَلْ ﴾ деб,

﴿ إِنَّ الَّذِينَ ﴾ ни ﴿ إِنَّ الَّذِينَ ﴾ деб,

﴿ كُنْتُمْ ﴾ ни ﴿ كُنْتُمْ ﴾ деб

ўқиш каби.

**С:** Ихтилос нима?

**Ж:** Ҳаракатнинг ҳаққини тўла адо этмаслик.

**М:** ﴿ يَعِدُّكُمْ ﴾ ни ﴿ يَعِدُّكُمْ ﴾ деб

ўқиш каби.

**С:** Сукунли нун нима?

**Ж:** Ҳаракатсиз нун « نْ »

**С:** Танвин нима?

**Ж:** Лафзда ўқилиб, ёзувда кўринмай диган сукунли нун.

أ - أَنْ ، ا - أَ ، ا - ا ، ا - ا

**С:** Сукунли нун ва танвинда нечта қоида бор?

**Ж:** 4 та: Изҳор, идғом, иқлоб ва ихфо.

## Изҳор

**С:** Изҳор нима?

**Ж:** Сукунли нун ёки танвиндан кейин **خ غ ح ع ه ء** ҳарфларидан бири келса, «**ن**» ни билдириб ўқиш.

Мисол: ﴿ **كُفُوا** **أَحَدٌ** ﴾ ﴿ **وَأَنْحَرُوا** ﴾

## Идғом

**С:** Идғом нима?

**Ж:** Суқунли ҳарфни ҳаракатли ҳарфнинг ичига киргизиб, ташдидли ҳарф қилиб ўқиш.

**С:** Идғом неча хил бўлади?

**Ж:** 2 хил: Ғуннали идғом ва ғуннасииз идғом.

**С:** Ғунна нима?

**Ж:** « ن » ва « م » ҳарфларини та-лаффуз пайтидаги димоғдан чиқа-диган товуш.

**С:** Ғуннанинг неча мартабаси бор?

**Ж:** 4 та:

1. Энг комил ғунна (ташдидли ва идғомли нун ва мимда):

﴿ فَمَنْ يَعْمَلْ ﴾    ﴿ إِنَّ ﴾    ﴿ ثُمَّ ﴾

2. Комил ғунна (ихфо ва иқлобда):

﴿ مِنْ شَرِّ رَبُّهُمْ بِذُنُوبِهِمْ ﴾

3. Ноқис ғунна (изҳорда):

﴿ أَنْعَمْتَ هُمْ فِيهَا ﴾

4. Энг ноқис ғунна (ҳаракатли нун ва мимда):

﴿ عَامِنُوا أَعْلَمُوا ﴾

**Эслатма:** Ғуннанинг миқдори қироат тезлигига боғлиқ.

Агар қори таҳқиқда ўқиса, узоқ-роқ ушлайди: ﴿ مِنْ الْجَنَّةِ وَالنَّاسِ ﴾.

Агар ҳадрда ўқиса, озроқ ушлайди:

﴿ مِنْ الْجَنَّةِ وَالنَّاسِ ﴾



## Ғуннали идғом

**С:** Ғуннали идғом нима?

**Ж:** Суқунли нун ёки танвиндан кейин **و ن م ی** ҳарфларидан бири келса, « **ن** » ни ўша ҳарфнинг ичига киргизиб ғунна билан ўқиш.

М: ﴿ **مِنْ مَسَدٍ** ﴾ ﴿ **شَيْئًا نَكْرًا** ﴾

**Эслатма:** Суқунли нун ёки танвин « **ی** » ва « **و** » ҳарфларига идғом бўлганда, ғуннага эътибор бериш керак.

М: ﴿ **مِنْ وَالٍ** ﴾ ﴿ **خَيْرًا يَرَهُ** ﴾

**Эслатма:** Сукунли нун билан идғом ҳарфлари бир калимада келса идғом қилинмайди. Бундай калималар Қуръонда 4 та ўринда келади:

﴿صِنَوَانُ﴾ ﴿قِنَوَانُ﴾ ﴿بُنَيْنٌ﴾ ﴿الدُّنْيَا﴾

### Ғуннаси́з идғом

**С:** Ғуннаси́з идғом нима?

**Ж:** Сукунли нун ёки танвиндан кейин « ل » ва « ر » ҳарфларидан бири келса, « ن » ни ўша ҳарфнинг ичига киргизиб, ғуннаси́з ўқиш.


М: ﴿مِنَ الدُّنْيَا﴾ ﴿غَفُورٌ رَّحِيمٌ﴾

## Иқлоб

С: Иқлоб нима?

Ж: Сукунли нун ёки танвиндан кейин « ب » ҳарфи келса, « ن » ни « م » га алмаштириб, ғунна билан ўқиш.

М: ﴿ سَمِيعٌ وَبَصِيرٌ ﴾ ﴿ مِنْ بَعْدِ ﴾



Иқлобда лаблар ҳолати

## Ихфо

С: Ихфо нима?

Ж: Сукунли нун ёки танвиндан кейин ت ث ج د ذ ز س ش ص ض ط ظ ف ق ك ҳарфларидан бири келса, « ن » ни ўша ҳарфнинг махражига яшириб, ғунна билан ўқиш.

М: ﴿ مِنْ شَرٍّ ﴾ ﴿ قَوْلًا سَدِيدًا ﴾

**Эслатма:** Сукунли нун ёки танвинни ихфо қилишда тил учини « ن » нинг махражига теккизилмайди.

**Эслатма:** Сукунли нун ёки танвин истеъло ҳарфларига йўликқанда, ихфоси (ғуннаси) йўғон қилинади.

М: ﴿ فَانصَبْ ﴾ ﴿ حَلَلًا طَيِّبًا ﴾

## 9-ДАРС

### СУКУНЛИ МИМ ҚОИДАЛАРИ

**С:** Суқунли мимда нечта қоида бор?

**Ж:** 3 та:


1. Ихфо шафавий.
2. Ғуннали идғом мислайн.
3. Изҳор шафавий.

### Ихфо шафавий

**С:** Ихфо шафавий нима?

**Ж:** Суқунли мимдан кейин « **ب** » ҳарфи келса, « **م** » ни « **ب** » нинг маҳражига яшириб, ғунна билан ўқиш.

Мисол: ﴿ فَاَحْكُم بَيْنَهُم بِالْقِسْطِ ﴾



Ихфо шафавийда лаблар ҳолати

### Ғуннали идғом мислайн

**С:** Ғуннали идғом мислайн нима?

**Ж:** Суқунли мимдан кейин ҳаракатли « м » келса, битта ташдидли « м » га айлантириб, ғунна билан ўқиш.

Мисол: ﴿ وَعَآمَنَّهُم مِّنْ خَوْفٍ ﴾

## Изҳор шафавий

**С:** Изҳор шафавий нима?

**Ж:** Сукунли мимдан кейин « ب » ва « م » ҳарфларидан бошқа ҳарфлар келса, « م » ни билдириб ўқиш.

М: ﴿ أَنْعَمْتَ ﴾ ﴿ لَمْ يَلِدْ وَلَمْ يُولَدْ ﴾

**Эслатма:** Сукунли мимдан кейин « ف » ёки « و » ҳарфи келса, « م » ни изҳорини аниқ билдириш керак.

М: ﴿ هُمْ فِيهَا ﴾ ﴿ عَلَيْهِمْ وَلَا ﴾

## 10-ДАРС МАД ҚОИДАЛАРИ

**С:** Мад нима?

**Ж:** 3 та мад ҳарфини ёки 2 та лин ҳарфини чўзиш.

**С:** Мад ҳарфлари қайсилар?

**Ж:** «ى» «ا» «و»

**С:** Бу ҳарфлар қачон мад ҳарфи бўлади?

**Ж:** 1. «ا» сукунли бўлиб, аввалги ҳарф фатҳали бўлса.

Мисол: ﴿ قَالَ ﴾

2. «و» сукунли бўлиб, аввалги ҳарф заммали бўлса.

Мисол: ﴿ يَقُولُ ﴾



3. « ى » сукунли бўлиб, аввалги ҳарф касрали бўлса.

Мисол: ﴿ قَيْلٌ ﴾

С: Лин ҳарфлари қайсилар?

Ж: « و » ва « ى » ҳарфлари сукунли бўлиб, аввалги ҳарф фатҳали бўлса.

Мисол: ﴿ خَوْفٍ ﴾ ﴿ قُرَيْشٍ ﴾

### Мад қисмлари

С: Мад неча қисмга бўлинади?

Ж: Икки қисмга:

1. Аслий мад (икки ҳаракатдан кўп чўзилмайдиган мадлар).

2. Фаръий мад (ҳамза ёки сукун сабабли икки ҳаракатдан кўп чўзиладиган мадлар).

**Эслатма:** Мадларнинг чўзилиш миқдори ҳаракатлар (фатҳа, касра, замма) билан белгиланади.

Бир ҳаракат: Ҳаракатли ҳарфни талаффуз қилишга кетадиган муддат:

بُ بِ بَ

Икки ҳаракат деганда: Иккита бир хил ҳаракатли ҳарфни талаффуз қилишга кетадиган муддатдир.

Масалан: « بَا » ни талаффуз қилишнинг миқдори  $بَ + بَ$  миқдorigа тенг бўлади. Яъни, икки ҳаракат миқдорида чўзилади.

بَا = بِي = بُو ўзаро тенг бўлиши керак.

Мадларнинг чўзилиш миқдори қироат тезлигига қараб мослашади. Яъни, таҳқиқдаги тўрт ҳаракат тадвирдаги тўрт ҳаракатдан узунроқ бўлади.

## АСЛИЙ МАДЛАР

### Табиий мад

**С:** Қачон табиий мад бўлади?

**Ж:** Мад ҳарфидан кейин ҳамза ёки суқун келмаса табиий мад бўлиб, икки ҳаракат миқдорида чўзилади.

Мисол:

﴿ قِيلَ ﴾ ﴿ يَقُولُ ﴾ ﴿ قَالَ ﴾

### Бадал мад

**С:** Қачон бадал мад бўлади?

**Ж:** Мад ҳарфидан олдин ҳамза келса, бадал мад бўлади ва икки ҳаракат чўзилади. Мисол:

﴿ أوتُوا ﴾ ﴿ إِيْمَانًا ﴾ ﴿ ءَامِنُوا ﴾

## Эваз мад

**С:** Эваз мад қандай мад?

**Ж:** Фатҳали танвинда вақф қилинганда, танвинни алифга алмаштириб, икки ҳаракат миқдорида чўзиб ўқиш. Мисол:

﴿ عَلِيْمًا - عَلِيْمًا ﴾ ﴿ وَنِسَاءً - وَنِسَاءً ﴾

## Кичик мад сила

**С:** Қачон кичик мад сила бўлади?

**Ж:** « ۛ » ёки « ۛ » олмошидан кейин ҳамза келмаса, кичик мад сила бўлади ва икки ҳаракат миқдорида чўзилади. Мисол:

﴿ اِنَّهُۥٓ عَلٰٓى رَجْعِهِۦٓ لَقَادِرٌ ﴾

## ФАРЪИЙ МАДЛАР

### Муттасил мад

**С:** Қачон муттасил мад бўлади?

**Ж:** Мад ҳарфидан кейин келган ҳамза бир калимада бўлса, муттасил мад бўлади. 4 ёки 5 ҳаракат чўзилади. Мисол:

﴿ سَيِّئٌ ﴾ ﴿ قُرُوءٌ ﴾ ﴿ يَشَاءُ ﴾

### Мунфасил мад

**С:** Қачон мунфасил мад бўлади?

**Ж:** Мад ҳарфидан кейин келган ҳамза бошқа калимада бўлса, мунфасил мад бўлади. 4 ёки 5 ҳаракат чўзилади. (Бошқа қироатларда 2 ҳаракат чўзиш жоиз). Мисол:

﴿ يَا أَيُّهَا ﴾ ﴿ تَوْبُوا إِلَى اللَّهِ ﴾ ﴿ الَّذِي أَنْزَلَ ﴾

## Катта мад сила

**С:** Қачон катта мад сила бўлади?

**Ж:** « ھ » ёки « ھ » олмошидан кейин ҳамза келса, катта мад сила бўлади. 4 ёки 5 ҳаракат чўзилади. (Бошқа қироатларда 2 ҳаракат чўзиш жоиз).

М: ﴿ رَبِّهِ أَحَدًا ﴾ ﴿ مَالَهُ وَأَخْلَدَهُ ﴾

## Лозим мад

**С:** Қачон лозим мад бўлади?

**Ж:** Мад ҳарфидан кейин аслий су-  
кун келса, лозим мад бўлади. 6 ҳара-  
кат миқдоридида чўзиш шарт.

**С:** Аслий сукуни қандай сукуни?

**Ж:** Вақфда (тўхташда) ҳам, васлда (қўшиб ўқишда) ҳам доим турадиган суқун. Мисол:

﴿ دَابَّةٌ - دَابَّةٌ ﴾ ﴿ نٌ - نُونٌ ﴾

### Ориз мад

**С:** Қачон ориз мад бўлади?

**Ж:** Мад ҳарфидан кейин ориз суқун келса, ориз мад бўлади. 2 (қаср), 4 (тавассут), 6 (ишбо) ҳаракат миқдорида чўзиш мумкин.

**С:** Ориз суқун қандай суқун?

**Ж:** Вақф сабабли ҳаракатнинг ўрнига пайдо бўлган суқун.

Мисол: ﴿ مُسْلِمُونَ - مُسْلِمُونَ ﴾

﴿ حِسَابٌ - حِسَابٌ ﴾ ﴿ عَزِيزٌ - عَزِيزٌ ﴾

## Мад лин лозим

**С:** Қачон мад лин лозим бўлади?

**Ж:** Лин ҳарфидан кейин аслий су-  
кун келса, мад лин лозим бўлади. 4  
ёки 6 ҳаракат чўзиш мумкин. Қуръ-  
онда 2 та ўринда келади:

﴿ كَهَيْعَتٍ - كَهَيْعَتٍ ﴾

﴿ عَسَقَ - عَيْنَسَقَ ﴾

## Мад лин ориз

**С:** Қачон мад лин ориз бўлади?

**Ж:** Лин ҳарфидан кейин ориз су-  
кун келса, мад лин ориз бўлади. 2, 4,  
6 ҳаракат чўзиш мумкин.

Мисол: ﴿ قُرَيْشٍ - قُرَيْشٍ ﴾

﴿ يَوْمٍ - يَوْمٍ ﴾    ﴿ شَيْءٍ - شَيْءٍ ﴾



**Эслатма:** Қироат асносида мад ориз ва мад лин оризни бир хилда чўзиб ўқиш керак. Масалан: икки ҳаракат билан бошласа, охиригача икки ҳаракат билан давом эттириш керак. Бир қироатнинг ўзида 2, 4, 6 ҳаракатни аралаштириб чўзиб ўқиш мумкин эмас.

**Эслатма:** Мадларнинг кучли ва кучсизлиги қуйидаги тартибдадир:

1. Лозим мад.
2. Муттасил мад.
3. Ориз мад.
4. Мунфасил мад.
5. Бадал мад.

Агар бир жойда бир нечта мад жам бўлиб қолса, кучлисига амал қилинади. Масалан: ﴿عَامِّينَ﴾ калимасида бадал мад ва лозим мад жамланди. Бу ерда лозим мадга амал қилинади.

# 11-ДАРС

## ИДҒОМ МИСЛАЙН, МУТАЖОНИСАЙН ВА МУТАҚОРИБАЙН

### Идғом мислайн

**С:** Идғом мислайн нима?

**Ж:** Махражда ва сифатда бир хил бўлган икки ҳарфни идғом қилиш.

Мисол: ﴿ بَلَّ لَا ﴾ ﴿ وَقَدْ دَخَلُوا ﴾

### Идғом мутажонисайн

**С:** Идғом мутажонисайн нима?

**Ж:** Махражда бир бўлган, аммо сифатда бир хил бўлмаган икки ҳарфни идғом қилиш.

**С:** Қайси мутажонис ҳарфлар идғом қилинади?

**Ж:** Қуйидаги ҳарфлар идғом қилиб ўқилади:

1. « د » ҳарфини « ت » га.

Мисол: ﴿ قَدْ تَبَيَّنَ ﴾ ﴿ مَا عَبَدْتُمْ ﴾

2. « ت » ҳарфини « د » га.

Мисол: ﴿ أُجِيبَتْ دَعْوَتُكُمْ ﴾

3. « ت » ҳарфини « ط » га.

Мисол: ﴿ إِذْ هَمَّتْ طَّائِفَتَانِ ﴾

4. « ط » ҳарфини « ت » га.

Мисол: ﴿ بَسَطَتْ ﴾ ﴿ أَحَطْتُ ﴾

( Бунда идғом ноқис бўлади, яъни, « ط » ҳарфининг махражи идғом бў-

либ, унинг истеъло ва итбоқ сифати қолади).

5. « ذ » ҳарфини « ظ » га.

Мисол: ﴿ إِذْ ظَلَمْتُمْ ﴾ ﴿ إِذْ ظَلَمُوا ﴾

6. « ث » ҳарфини « ذ » га.

Мисол: ﴿ يَلْهَثَ ذَٰلِكَ ﴾

7. « ب » ҳарфини « م » га.

Мисол: ﴿ يَبْنِيَّ أَرْكَبَ مَعَنَا ﴾

## Идғом мутақорибайн

**С:** Идғом мутақорибайн нима?

**Ж:** Махражда ва сифатда бир-бирига яқин ҳарфларни идғом қилиш:

1. « ل » ҳарфини « ر » га.

Мисол: ﴿ قُلْ رَبِّ ﴾

2. « ق » ҳарфини « ك » га.

Мисол: ﴿ أَلَمْ نَخْلُقْكُمْ ﴾

## Идғом шамсия

**С:** Идғом шамсий нима?

**Ж:** « ال » дан кейин 14та шамсий ҳарфлардан бири келса, « ل » ни кейинги ҳарфга идғом қилиш.

С: Шамсий ҳарфлар қайсилар?

Ж: ت ث د ذ ر ز س  
ش ص ض ط ظ ل ن

Мисол: ﴿ وَالشَّمْسِ ﴾ ﴿ وَالسَّمَاءِ ﴾

### Изҳор камария

С: Изҳор камарий нима?

Ж: « ال » дан кейин 14та камарий ҳарфлардан бири келса, « ل » ни изҳор қилиш.

С: Қамарий ҳарфлар қайсилар?

Ж: اَبِغِ حَجَّكَ وَخِفْ عَقِيمَهُ

Мисол: ﴿ الْحَجُّ ﴾ ﴿ الْبُرُّ ﴾

## 12 - ДАРС

### ВАҚФ, ИБТИДО, САКТА

**С:** Вақф нима?

**Ж:** Қироатни давом эттириш ниятида нафас олиш учун тўхташ.

**С:** Вақф неча хил бўлади?

**Ж:** 2 хил:

1. Жоиз вақф

2. Ножоиз вақф.

**С:** Қачон жоиз вақф бўлади?

**Ж:** Маъно тугайдиган ёки тўғри маъно ифодаладиган ўринда вақф қилиш. Мисол:

﴿ الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ ﴾ оятида

﴿ الْحَمْدُ لِلَّهِ ﴾ деб вақф қилиб, яна

﴿ الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ ﴾ деб давом

эттириш каби.

**С:** Қачон ножоиз вақф бўлади?

**Ж:** Маъно тугамайдиган ёки тескари маъно ифодаладиган жойда вақф қилиш. Қасддан қилган одам гуноҳкор бўлади. Мисол:

﴿ لَا تَقْرَبُوا الصَّلَاةَ وَأَنْتُمْ سُكَرَى ﴾

“Маст ҳолларингизда намозга яқинлашмангиз” оятида

﴿ لَا تَقْرَبُوا الصَّلَاةَ ﴾

“намозга яқинлашмангиз” деб вақф қилиш каби.

**С:** Мусхафдаги вақф (тўхташ) аломатлари қайсилар?

**Ж:** 1. « م » вақф лозим.

2. « قلى » вақф ҳам, васл (кўшиб ўқиш) ҳам жоиз, лекин вақф афзал.



3. « ج » вақф ҳам, васл ҳам баробар жоиз.

4. « صلى » вақф ҳам, васл ҳам жоиз, лекин васл афзал.

5. « لا » вақф мумкин эмас.

6. « ۛ ۛ » ҳар иккисининг бирида вақф қилиш жоиз. Иккаласида баравар вақф жоиз эмас.

**Эслатма:** Оят охирида вақф қилиш суннат.

## Ибтидо

**С:** Ибтидо нима?

**Ж:** Вақф қилгандан кейин ёки ян-гидан қироатни бошлаш.

**С:** Ибтидо неча хил бўлади?

**Ж:** 2 хил:

1. Жоиз ибтидо
2. Ножоиз ибтидо.

**С:** Қачон жоиз ибтидо бўлади?

**Ж:** Аллоҳ таоло ирода қилган маънони ифодалайдиган калимадан бошлаш.

**С:** Қачон ножоиз ибтидо бўлади?

**Ж:** Аллоҳ таоло ирода қилган маънонинг тескарисини ифодалайдиган жойдан бошлаш. Мисол:

﴿ وَقَالُوا اتَّخَذَ اللَّهُ وَلَدًا ﴾

«Улар: “ Аллоҳ ўзига фарзанд тутди”, дейдилар» оятида ﴿ اتَّخَذَ ﴾

“ тутди” сўзидан бошлаш каби.

## Сакта

**С:** Сакта нима?

**Ж:** Қироатни давом эттириш мақсадида икки ҳаракат миқдорида тўхтаб, нафас олмасдан қироатни давом эттириш.

**С:** Нечта ўринда сакта бор?

**Ж:** Имом Ҳафсининг ривоятига кўра тўрт ўринда сакта бор:

1. Каҳф сураси, 1-2 оятлар орасида: ﴿ عِوَجًا ۙ قِيَمًا ﴾

2. Ёсин сураси, 52-оятида:

﴿ مِنْ مَّرْقَدِنَا ۙ هَذَا ﴾

3. Қиёмат сураси, 27-оятида:

﴿ وَقِيلَ مَنْ رَاقٍ ﴾

4. Мутоффифин сураси, 14-ояти:

﴿ كَلَّا بَلْ رَانَ ﴾

## 13-ДАРС НАБР

**С:** Набр нима?

**Ж:** Баъзи бир ҳарфларга ўзига хос ўринда урғу бериб (кучайтириб) ўқиш.

**С:** Қайси ўринларда набр қилинади?

**Ж:** Беш ўринда набр қилинади:

1. Ташдидли ҳарфда вақф қилинганда. Мисол:

﴿ فَطَلَّ ﴾    ﴿ مُسْتَقَرًّا ﴾

2. Ташдидли « و » ва « ی » ҳарфларида. Мисол:

﴿ سَيَّارَةٌ ﴾    ﴿ قَوَّامِينَ ﴾

3. Мад ҳарфидан кейин ташдидли ҳарф келганда (лозим мад). Мисол:

﴿ الْحَاقَّةُ ﴾ ﴿ وَلَا الضَّالِّينَ ﴾

4. Мад ёки лин ҳарфи сўнгидан ҳамзада вақф қилинса. Мисол:

﴿ السَّمَاءِ - السَّمَاءُ ﴾ ﴿ شَيْءٍ - شَيْءٌ ﴾

5. Феълларда таснияни (иккилик-ни) билдирувчи чўзиқ алифдан сўнг сукунли ҳарф келса. Мисол:

﴿ وَأَسْتَبَقَا الْبَابَ ﴾ ﴿ ذَاقَا الشَّجَرَةَ ﴾

﴿ وَقَالَا الْحَمْدُ لِلَّهِ ﴾

وَالْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ

# МУНДАРИЖА

Муқаддима: .....	3
1 - Дарс: Тажвид илми .....	5
2 - Дарс: Лаҳн .....	6
3 - Дарс: Қироат тезликлари .....	8
4 - Дарс: Ҳарфларнинг махражлари.....	9
5 - Дарс: Ҳарфларнинг сифатлари .....	20
6 - Дарс: Ро (.) харфининг қоидалари .....	30
7 - Дарс: Лафзи Жалола .....	35
8 - Дарс: Суқунли нун ва танвин қоидалари .....	37
9 - Дарс: Суқунли мим қоидалари .....	47
10 - Дарс: Мад қоидалари .....	50
11 - Дарс: Идғом мислайн, мутажонисайн, мутақорибайн....	52
12- Дарс: Вақф, ибтидо, сакта.....	65
13- Дарс: Набр.....	70

Саҳифаловчи компьютар устаси:  
Музаффар Раҳимов Мирхамиджанович

“Актив Дизайн”

Маъсулияти чекланган жамияти  
Ўш шаҳри, Ленин кўчаси, 341/15

Телефон: +996 3222 7 28 41

+996 555 88 05 02

+996 770 88 05 02

[g.mail:activedesign.osh@gmail.com](mailto:g.mail:activedesign.osh@gmail.com)

Адади: 500 нусха



